

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

	Млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	12320,0	103,4
Саноат маҳсулоти	6434,3	103,6
Истеъмол товарлари	4147,8	100,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	6484,3	106,1
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2370,0	83,2
Қурилиш ишлари	1733,5	86,4
Юк айланмаси млн. тн-км	1614,3	103,9
Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км	3804,4	108,4
Чакана товар айланмаси	6524,6	103,5
Хизматлар, жами	4862,5	104,5
Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл.	778,8	116,4
Экспорт	181,2	109,1
Импорт	597,6	118,8
Сальдо (+;-)	-416,4	123,6

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 12320,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 103,4 фоизга тенг бўлди.


2017 йил январь-сентябр ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 117,2 фоизни ташкил қилди.

Январь-сентябр ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:


	млрд.сўм		2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил	2017 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	10173,8	12320,0	103,4
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9938,4	12041,8	103,5
Маҳсулотларга соф солиқлар	235,4	278,2	98,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9938,4	12041,8	103,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2878,0	3822,8	106,1
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2672,5	2984,6	97,4
саноат	1867,3	2208,4	102,1
қурилиш	805,2	776,1	86,4
Хизматлар	4388,0	5234,5	105,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1017,4	1210,8	104,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	771,0	927,8	110,9
бошқа хизматлари	2599,6	3095,9	104,4

Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 й.



2017 й.



- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-сентябр ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (86,4%), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (112,4%) ва ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (109,8%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 71,0 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 0,6 фоизли бандга камайди.

2017 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 105,5 фоиз (2016 йил январь-сентябрда 109,5 фоиз)ни ташкил қилди.

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 октябр ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 54298 тани ташкил қилиб, шундан 43567 таси ёки 80,2 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5094 та (9,4 фоизи), саноат 3866 та (7,1 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1259 та (2,3 фоизи) ва қурилиш 1823 та (3,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 октябр ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	54298	100,0	43567	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	33634	61,9	23939	54,9
Саноат	3866	7,1	3690	8,5
Қурилиш	1823	3,4	1657	3,8
Савдо	5094	9,4	4759	10,9
ташиш ва сақлаш	713	1,3	682	1,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1259	2,3	1208	2,8
ахборот ва алоқа	406	0,7	384	0,9
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	466	0,9	456	1,0

Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда

бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш 7037 13,0 6792 15,6

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 7,2 фоизи давлат колган 92,8 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 9,7 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,06 фоизи акциядорлик жамиятлари, 82,5 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юримдик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 октябр ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йил январь-сентябрда жами 5686 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 2684 та). Уларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳар вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (15,7 фоизи), Пайариқ (12,2 фоиз), Ургут (10,6 фоиз), Каттакўрғон (8,8 фоиз), Иштихон (8,7 фоиз), Булунғур (6,6 фоиз), Пастдарғом (6,4 фоиз), Оқдарё (5,1 фоиз), Жомбой (4,5 фоиз), Самарқанд туман (4,5 фоиз) ва Нарпай (4,0 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 13,2 фоизи саноат, 9,7 фоизи савдо ва 4,6 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 8620 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 186 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 2,2 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йилнинг 1 октябр ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 16980 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 71,0 фоизи (2016 йил январь-сентябрда 71,6 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 1284,1 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 84,2 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 1045,1 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 239,0 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 3763,3 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 58,5 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 113,2 фоизни ташкил қилди;

- 6388,0 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 106,1 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқлари ялпи маҳсулотининг 98,5 фоизи) ташкил қилди.

- 1357,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 57,0 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 9,7 фоизга ўсди;

- 1772,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 92,0 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 26,1 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 84,5 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 96,4 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 92,5 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 92,5 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 94,0 фоизи ёки 6131,1 млрд. сўми (ўсиш 103,9 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 72,4 фоизи ёки 3520,0 млрд. сўми (ўсиш 100,4 фоиз) шакллантирилди;


- 152,6 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 84,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 359,1 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 60,1 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	6388,0	98,5
Саноат	3763,3	58,5
Қурилиш	1621,9	93,6
Чакана савдо	6131,1	79,3
Юк ташиш, млн тн.	43,1	62,4
Йўловчи ташиш, млн.киши	37,0	92,5
Экспорт, млн. АҚШ долл.	152,6	6,1
Импорт, млн. АҚШ долл.	359,1	13,9

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2016 йил январь-сентябрь
 2017 йил январь-сентябрь

Ташқи иқтисодий алоқалар


2017 йилнинг январь-сентябрида ташқи савдо айланмаси 778,8 млн. АҚШ долларини, жумладан 181,2 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 597,6 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси - 416,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-сентябрида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

(млн АҚШ доллари)

	январь-сентябрь		2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 й.	2017 й.	
Ташқи савдо айланмаси	669,1	778,8	116,4
шу жумладан:			
МДХ давлатлари	213,5	232,6	109,0
бошқа давлатлар	455,6	546,2	119,9
 Экспорт	 166,1	 181,2	 109,1
шу жумладан:			
МДХ давлатлари	92,4	99,8	108,0
бошқа давлатлар	73,7	81,4	110,4
 Импорт	 503,0	 597,6	 118,8
шу жумладан:			
МДХ давлатлари	121,0	132,8	109,7
бошқа давлатлар	382,0	464,8	121,7

2017 йил январь-сентябрида вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:




2017 йилнинг январь-сентябрида вилоят экспорт-импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-сентябр	2017 йил январь-сентябр	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100	100	109,1
пахта толаси		1,3	
озиқ-овқат маҳсулотлари	59,9	52,1	94,8
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	3,0	2,9	107,5
қора ва рангли металллар	4,4	2,6	64,4
машина ва ускуналар	4,6	5,1	119,2
хизматлар	10,6	11,5	118,1
бошқалар	17,5	24,5	153,0
Импорт таркиби	100	100	118,8

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-сентябр	2017 йил январь-сентябр	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
озиқ-овқат маҳсулотлари	12,2	11,2	108,9
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	33,0	26,4	95,1
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	0,4	0,3	81,9
қора ва рангли металллар	4,2	3,6	101,7
машина ва ускуналар	41,5	48,0	137,3
хизматлар	0,8	0,6	93,6
бошқалар	7,9	9,9	149,2

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йилнинг январь-сентябрида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:


	Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2016 йил январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	13,7	104,6
Туркия	12,2	140,5
Қозоғистон	10,4	107,6
Хитой	13,1	137,4
Украина	1,7	137,4
Ҳиндистон	2,9	114,9
Германия	9,7	108,7
Белоруссия	1,0	164,4
Ж. Корея	2,4	151,2
Эрон	1,4	79,2
Латвия	1,9	172,3
Япония	6,7	107,6
Қирғизистон	0,9	186,1
Нидерландия	0,5	114,4
БАА	0,6	67,0
Туркменистон	0,5	26,9
Афғонистон	1,6	155,2
Польша	1,6	153,7
Покистон	0,2	51,4

2017 йил январь-сентябрда МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт



Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Саноат

2017 йил январь-сентябрда саноат маҳсулотлари ҳажми 6434,3 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,6 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 4147,8 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 100,5 фоизни ташкил этди. Жумладан, 2011,4 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 69,2 млрд. сўмлик ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво, 2067,2 сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 107,0 фоиз ва 94,8 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-сентябр ойларида 3253,5 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.


2017 йил январь-сентябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	6434,3	103,6
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	42,9	130
улардан:		
Металл рудаларини қазиб олиш	2,5	277,2
Қайта ишлаш саноати	6173,5	103,3
ундан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2874,2	100,5
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1370,5	105,8
Ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	134,8	107,9
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	32,1	72,6

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,9	99,8
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	302,5	78,3
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	47,1	162,7
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	240,4	118,0
Металлургия саноати	5,9	64,5
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	1165,0	115,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	179,0	109,9
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	39,0	102,8
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	4147,8	100,5
шу жумладан:		
озик-овқат товарлари	2011,4	107,0
ноозик-овқат товарлари	2067,2	94,8

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш

(йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-сентябр	2016 й январь-сентябрга нисбатан %
Ишлаб чиқарадиган саноат			
Таркибида иккита таъминловчи элемент - азот ва фосфор бўлган минерал ёки кимёвий ўғитлар	минг тн	30,73	48,5
Ароқ	минг.л 100% спирт	1381,3	94,4
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	минг. л 100% спирт	673,8	94,3


	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь- сентябр	2016 й январь- сентябрга нисбатан %
Узум вноси	минг. л	7,5	30,0
Пиво (пиво ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ташқари)	минг. л	29989	95,9
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг.тн	111615,3	113,9
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	тн	1821,0	106,8
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари)	тн	7636,0	125,6
Пахта толаси	минг тн	49328	106,5
Пахта чигити	минг тн	55843	117,0
Пахта тивити (линт)	тн	3274	105,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш			
Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси	млн.кВт/с	0,35	113,4
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	48,7	84,0

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 6484,3 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,1 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 6471,2 млрд. сўмни (99,8 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 7,2 млрд. сўмни (102,3 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 5,9 млрд. сўмни (112,9 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ҳосил йиғими. 2017 йил январь-сентябр ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 816,5 минг тонна бошоқли дон экинлари, шундан 799,2 минг тонна буғдой ишлаб чиқарилди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 472,7 минг тонна картошка (2016 йилга нисбатан 102,9 фоизга кўп), 1742,3 минг тонна сабзавотлар (109,0 фоизга кўп), 95,7 минг тонна полиз экинлари (110,7 фоизга кўп), 300,1 минг тонна мева ва резаворлар (108,9 фоизга кўп) ва 464,5 минг тонна узум (105,7 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 октябр ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 100,3 фоизга (жами 1537,4 минг бошни ташкил

килди), шу жумладан сигирлар 100,1 фоизга (663,1 минг бош), кўй ва эчкилар 102,3 фоизга (2349,3 минг бош), отлар 102,1 фоизга (24592 бош) ва паррандалар 107,3 фоизга (10074,3 минг бошга) ўсди.

Барча хуудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 95,0 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,8 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 64,0 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 октябр ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони куйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли қорамол	1537,4	100,3
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	67,0	104,2
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1465,3	100,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,1	140,0
улардан сигирлар	663,1	100,1
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	23,0	100,2
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	638,3	100,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,7	157,4
Кўй ва эчкилар	2349,3	102,3
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	136,4	101,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2019,7	102,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	193,2	105,0
Отлар	24592	102,1
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1648	104,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	22404	102,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	540	98,4
Паррандалар	10074,3	107,3
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1711,1	103,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	5064,8	111,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3298,4	102,7

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 95,3 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,4 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 96,3 ва 3,5 фоизни, қўй ва эчкилар 86,0 ва 5,8 фоизни, отлар 91,1 ва 6,7 фоизни, паррандалар 50,3 ва 17,0 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь - сентябрда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 200,5 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 108,0 фоизга кўп), 949,2 минг тонна сут (108,0 фоизга кўп), 1,2 млн. дона тухум (112,8 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.


2017 йил январь-сентябр ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	200,5	108,0
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	4,3	108,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	186,2	108,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	10,1	104,4
Сут, минг тн.	949,2	108,0
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	32,3	108,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	914,8	108,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,0	113,1
Тухум, млн. дона	1,2	112,8
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	0,2	109,8

	миқдори	ўсиш суръати, %
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	0,6	113,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,4	112,6

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланеди:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг январь-сентябрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2632,0 млрд. сўми ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 103,8 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 41,2 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 октябр ҳолатига фермер хўжаликларида 67,0 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 23,0 минг бош сигир, 136,4 минг бош қўй ва эчкилар, 1,6 бош от ҳамда 1711,1 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-сентябр ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	январь-сентябр				2016 январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил		2017 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Бошоқли дон	647112	80,2	654247	80,1	101,1
шу жумладан, буғдой	639653	80,4	641574	80,3	100,3
Картошка	100220	21,8	102673	21,7	102,4
Сабзавот	744589	55,1	809372	55,0	108,7
Полиз	32514	37,6	37525	39,2	115,4
Мева	124149	45,1	131462	43,8	105,9
Узум	275954	62,8	285231	61,4	103,4
Гўшт, тирик вазнда	3995	2,2	4323	2,2	108,2
Сут	29736	3,4	32345	3,4	108,8
Тухум, минг дона	140754	13,5	154531	13,1	109,8
Жун	169	5,4	170	5,4	100,6

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-сентябрда вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 2370,0 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 83,2 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши куйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2370,0	83,2	100
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	338,6	86,8	14,2
бюджет маблағлари	149,5	110,4	6,3
давлат мақсадли фонд маблағлари	167,2	75,1	7,0
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	21,9	67,8	0,9
Марказлашмаган инвестициялар	2031,4	89,1	85,7
корхоналарнинг ўз маблағлари	1103,5	2,1 м	46,6
аҳоли маблағлари	519,1	38,6	21,9
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	46,4	2,6 м	1,9
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	361,5	118,6	15,2
бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар	0,9	-	-

2017 йил январь-сентябрда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:


	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	2370,0	467,3	1902,7
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида	100	100	100
қурилиш-монтаж ишлари	67,3	78,4	64,6
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	25,5	18,9	27,2
бошқа ҳаражатлар	7,2	2,7	8,2

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-сентябрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 0,7 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 1,7 фоизли пунктга камайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 1,8 фоизли пунктга камайган.


Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

Январь-сентябрь
2016 й.



Январь-сентябрь
2017 й.



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Ташиш ва сақлашда
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Қурилиш
- Профессional, илмий ва техник фаолият
- Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-сентябрда умумий майдони 825,7 минг кв.м. бўлган 4351 та (2016 йил январь-сентябрга нисбатан 80 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 765,1 минг кв.м. 75.4 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 693,4 млрд. сўмни ёки 29,3 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоотлари қурилишида 72,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 43,4 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 4,2 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 319,1 км узунликдаги ичимлик суви, 57,1 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 117,3 ва 123,1 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 4,8 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 1,2 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-сентябрда 1733,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 86,4 фоизни ташкил этди.


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 81,6 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 13,7 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 4,7 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 88,9 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1681,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,0 фоизни (2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 90,6 фоизни) ташкил қилди.


Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2016 й.
январь-сентябрь



2017 й.
январь-сентябрь



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Транспорт

Юк ташиш. 2017 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 51,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,8 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1614,3 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 103,9 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-сентябр	2016 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	51,0	109,8
шу жумладан:		
автомобил транспортида	51,0	109,8
Юк айланмаси, млн. тн-км	1614,3	103,9
шу жумладан:		
автомобил транспортида	1614,3	103,9

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 103,4 фоизга кўпайди ва 1441,5 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 89,3 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-сентябрда 89,6 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2017 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 396,8 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,8 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 108,4 фоизга кўпайиб, 3804,4 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-сентябр	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	396,8	106,8
шу жумладан, автомобил транспортида	396,8	106,8
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	3804,4	108,4
шу жумладан, автомобил транспортида	3804,4	108,4

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 106,6 фоизга кўпайди ва 3141,6 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 82,5 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-сентябрда – 84,0 фоиз).

Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-сентябрда чакана товар айланмаси 6524,6 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,5 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	6524,6	103,5	100
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	3,0	112,4	0,046
нодавлат мулки	6521,6	103,5	99,994
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	4861,1	101,9	74,5

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-сентябрда 393,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 97,6 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-сентябр ойларида 5060,3 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,3 фоизга ошган.

2017 йил январь-сентябрда чакана савдо айланмаси таркиби куйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	6524,6	103,5	100
шу жумладан:			
савдо корхоналари	393,4	97,6	6,0
якка тартибдаги тадбиркорлик	5060,3	105,3	77,6
уюлмаган сектор(ташқил этилмаган савдофаолияти)	1070,9	97,9	16,4

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 120,9 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 91,6 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 101,6 фоизга ошди ва 1774,6 минг сўмни ташқил этди (2016 йил январь-сентябр ойиларида 1517,9 минг сўмни ташқил этган).

2017 йил январь-сентябрда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 4862,5 млрд. сўмни ташқил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1703,9 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 35,0 фоизини ташқил қилди. 2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш 104,5 фоизни ташқил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-сентябрида куйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	4862,5	104,5	100,0
шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	387,1	120,1	8,0
молиявий хизматлар	464,2	127,8	9,5

	млрд. сўм	2016 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз хисобида	яқунга нисбатан фоиз хисобида
транспорт хизмати	906,0	100,8	18,6
шу жумладан автотранспорт хизматлари	823,0	99,3	16,9
яшаш ва овқатланиш хизматлари	143,4	106,5	2,9
савдо хизматлари	1707,4	99,0	35,0
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	168,0	101,0	3,5
таълим соҳасидаги хизматлар	218,2	110,7	4,5
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	81,3	109,9	1,7
ижара ва прокат хизматлари	192,5	100,5	4,0
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	187,3	101,4	3,9
бошқа шахсий хизматлар	237,7	100,9	4,9
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	34,1	105,3	0,7
бошқа турдаги хизматлар	135,3	106,5	2,8

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 35,0 фоизи), транспорт (18,6 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (127,8 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (120,1 фоиз), соғлиқни сақлаш (109,9 фоиз) ва яшаш ва овқатланиш хизматларида (106,5 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йил январь-сентябрида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:



Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 октябр ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3701,5 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 67317 кишига ёки 1,9 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-сентябрда қуйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. ¹⁾	Ўсиш, камайиш (-)	2016 й.	2017 й. ¹⁾
Туғилганлар	66710	65435	-1275	24,7	23,8
Ўлганлар	12099	11813	-290	4,5	4,3
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	523	460	-63	7,8	7,0
Табиий ўсиш	54611	53622	-989	20,2	19,5
Никоҳлар	21980	24837	2857	8,1	8,5
Ажралишлар	2431	2917	486	0,9	1,1

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-сентябрида туғилганлар сони 65435 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (66710 киши) нисбатан 1275 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 23,8 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (24,7 промилле) нисбатан 0,9 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Пайариқ (29,2 дан 28,1 промиллега), Булунғур (26,2 дан 24,6 промиллега), Нуробод (26,1 дан 24,0 промиллега), Каттақўрғон (24,8 дан 22,7 промиллега), Нарпай (23,9 дан 20,4 промиллега), Тайлоқ (24,3 дан 22,9 промиллега) ва Пастдарғом (24,3 дан 22,7 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-сентябрида ўлганлар сони 11813 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (12099 киши) нисбатан 290 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,3 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-сентябрида 4,5 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Самарқанд (5,2 дан 4,9 промиллега), Пахтачи (5,2 дан 4,8 промиллега), Булунғур (4,5 дан 4,0 промиллега), Пастдарғом (4,5 дан 4,1

¹⁾ дастлабки маълумот

промиллега), Каттақўрғон (4,0 дан 3,5 промиллега) ва Иштихон (4,0 дан 3,7 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 61,9 фоизи - қон айланиш тизими касалликларидан, 8,1 фоизи - ўсма касалликларидан, 5,5 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,8 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 6,0 фоизи - бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан, 1,4 фоизи инфекция касалликларидан ҳамда 12,3 фоизни бошқа касалликлар билан касалланганлик сабабли вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрида бир ёшга тўлмаган 463 та болалар ўлими кузатилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 65,4 - фоизи перинатал ўлим, 22,5 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 2,3 фоизи - бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан, 1,0 фоизи инфекция касалликларидан ҳамда 8,8 фоизи бошқа касалликлар билан касалланганлик сабабли вафот этган.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-сентябрида ФХДЁ органларида 24837 та никоҳлар ва 2917 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 6,7 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 8,1 та) ва 0,8 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида 0,9 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябр ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 7918 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 11754 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 3836 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 3306 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Самарқанд (минус 931) ва Каттақўрғон (минус 781) шаҳарларида ҳамда Оқдарё (минус 534), Булунғур (минус 470), Жомбой (минус 412), Иштихон (минус 301), Каттақўрғон (минус 239), Қўшработ (минус 239), Нарпай (минус 184), Пайариқ (минус 128) ва Пастдарғом (минус 122) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-сентябрда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 1,0 фоизга кўпайиб, 2078,1 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 56,1 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 20438 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш кидириб мурожаат этганлар Самарқанд шаҳри (2887 кишига), Ургут (1710 кишига), Пайариқ (1637 кишига), Иштихон (1532 кишига), Пастдарғом (1437 кишига), Жомбой (1350 кишига), Самарқанд (1303 кишига) ва Каттақўрғон (1240 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 19349 нафари (барча мурожаат этганларнинг 94,7 фоизи) ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Каттақўрғон (мурожаат этганларнинг 98,5 фоизи), Нарпай (97,7 фоиз), Самарқанд (96,9 фоиз), Тайлоқ (96,8 фоиз), Булунғур (96,1 фоиз), Пайариқ (96,0 фоиз), Нуробод (95,7 фоиз), Оқдарё (95,7 фоиз) ва Иштихон (95,0 фоиз) туманларида юкори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 1330 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)

